

**"УТВЕРЖДАЮ"**  
 Директор Государственное унитарное предприятие  
 Ферганская служба заказчика по региональным дорогам  
 Ш.Пуллатов  
 от \_\_\_\_\_ 2022г.

**ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ**

Фаргона вилояти Марғилон шахар "Наврўз" МФИда ташкил этилган Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини қуриш  
 объектининг

согласно Адресной программы строек на 2022год

Раздел 1. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки		Фаргона вилояти Марғилон шахар "Наврўз" МФИда ташкил этилган Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини қуриш объектининг	
2. Отрасль			
3. Инвестор			
4. Заказчик		ГУП Ферганская служба заказчика по региональным дорогам	
5. Разработчики:			
5.1. ТЭО			
5.2. ПСД и/или ТД		"Фаргона йўл лойиха" МЧЖ	
5.3. Экспертизы		Госкомархитекстрой	
6. Генеральный подрядчик		"Қуштепа ТИФУК"	
7. Источник финансирования		Республиканский дорожный фонд	
8. Год начала и окончания строительства		2022-2023	
9. Основные показатели стройки:		Остаток на 01.01.2021г.	
Мощность (в соответствии с единицами измерения)		0,7км	0,7км
Основные фонды		1570,066	1570,066
Капитальные вложения		7378,205	1570,066
Строительно-монтажные работы		1325,745	1534,066
Оборудование, инвентарь			
Прочие работы и услуги			
содержание службы заказчика		36,000	36,000
Прогноз на 2022 год в соответствии с утвержденным адресным списком			
Мощность (в соответствии с единицами измерения)		0,7км	
Основные фонды		1570,066	
Капитальные вложения		1361,745	
Строительно-монтажные работы		1325,745	
Оборудование, инвентарь			
Прочие работы и услуги			
содержание службы заказчика		36,000	

Раздел 2. Поквартальная разбивка прогноза на 2022г.

	Всего	2022 год	в том числе:			
			I кв.	II кв.	III кв.	IV кв.
Ввод мощности						
Основные фонды						
Капитальные вложения	1361,745	1361,745			1361,745	
Строительно-монтажные работы	1325,745	1325,745			1325,745	
Оборудование, инвентарь						
Прочие работы и услуги						
содержание службы заказчика	36,000	36,000			36,000	

**ОСНОВНЫЕ СВЕДЕНИЯ О ПРОЕКТЕ:**

(заполняется заказчиком)

1. Реализация инвестиционного проекта осуществляется в соответствии

(наименование инстанции, принявшее решение, номер и дата)

2. Заключение по экспертизе проекта \_\_\_\_\_

(дата и № заключения)

3. ТЭО (ПСД) утверждено \_\_\_\_\_

(дата и № решения об утверждении ТЭО(ПСД))

4. Подрядные торги проведены \_\_\_\_\_

(дата)

5. Победителем определен           "Кўштепа ТЙФУК"          

(наименование подрядной организации)

6. Контракт № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022г на сумму 1325,745387 млн. сум

(№, дата, сумма)

7. Разрешение на параллельное проектирование \_\_\_\_\_

(наименование инстанции, дата и №)

8. Разрешение на реализацию проекта без тендера \_\_\_\_\_

(наименование инстанции, дата и №)

9. Краткая характеристика проекта и ее цели \_\_\_\_\_

10. Схема финансирования \_\_\_\_\_ перечисление

11. Потребность в импорте составляет \_\_\_\_\_ млн. дол. США в т.ч.:

- на приобретение оборудования \_\_\_\_\_ млн. дол. США;
- покупку комплектующих и сырья \_\_\_\_\_ млн. дол. США;
- выполнение работ и услуг \_\_\_\_\_ млн. дол. США;
- на покрытие аванса иностранного кредита \_\_\_\_\_ млн. дол. США

**ЗАКАЗЧИК**

Заместитель директора

**ГЕНПОДРЯДЧИК**

Директор Кўштепа ТЙФУК



Ш. Умурзаков

*(Handwritten signature)*

Кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 июндаги 05-05/1-299-сонли (118) баёнига асосан «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» давлат унитар корхонаси номидан иш юритувчи директори Ш.Пўлатов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган, Қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган Ёшлар саноат зонасининг ички йўллари объектларини қуриш ишларини 2022 йил тасдиқланган манзили рўхатга асосан, «Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси» номидан Низом асосида иш қўрувчи раҳбари Б.Рахмонов иккинчи томонидан, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар "Наврўз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини қуриш (кейинчалик - объект) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

#### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, тех ник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

#### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Марғилон шаҳар "Наврўз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини қуриш объектида лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 325 745 387 (Бир миллиард уч юз йигирма беш миллион етти юз қирқ беш минг уч юз саксон етти) сўмни ташкил этади.

4. Мазкур шартномага асосан Пудратчи томонидан объектда 1 325 745 387 (Бир миллиард уч юз йигирма беш миллион етти юз қирқ беш минг уч юз саксон етти) сўмлик ишлар бажарилади ва буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар учун берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида жорий йилнинг ноябрь ойида тасдиқланган манзилий дастурга асосан 1 259 458 118 (Саккиз юз беш миллион тўққиз юз минг) сўм молиялаштирилади. 5 фоизлик 66 287 269 (Олтмиш олти миллион икки юз саксон етти минг икки юз олтмиш тўққиз) сўм объект кафолат муддати тугагандан сўнг молиялаштирилади.

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-қурилиш қийматини купайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-объектнинг қурилиш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча қилинув билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

кайта куриш ишлари бошланишдан олдин объектда қайта куриш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қайта қурилатган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи қурилиш ишлари олиб бораётган даврда ушбу йўл қисмида йўл ва йўл иншоотлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини рухсати билан йўналтирилиши мумкин.

объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажм ва муддатларда, ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган холда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур холларда қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

лойиха-смета хужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, қўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва хоказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган холда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ жавоб беради.

Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Буюртмачи Пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа кмчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган холда расмийлаштирилади.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Мазкур шартнома бўйича қурилиш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар қурилиш ишларни бажариш жадвали 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.**

12. Буюртмачи Пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ аванс маблағи ўтказлади.

13. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз маблағлари хисобидан объектда қурилиш ишларини бошлайди.

Буюртмачи ва Пудратчи томонидан ҳар ойда бажарилган қурилиш ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштирилади.

14. Бажарилган қурилиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг умумий шартномавий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

15. Объектнинг шартномавий жорий қийматидан 5 фоизгача миқдоридаги маблағ, объект давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 ой кафолат муддати ўтгандан сўнг, лекин молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи қурилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан қуриладиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. пудратчи объектда бажарилган ишларнинг хажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар Буюртмачига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш хажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш хажмлари баҳосини аниқлашда пудратчи амалдаги нарх ва механизмлар бўйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» ни ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишлар уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

Буюртмачининг вакили-техник назоратчи(раис), пудратчи ташкилот вакили-иш бажарувчи ёки уста,лаборант ва геодезист( зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили(кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатиш шакли бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки ксчикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда униң талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни куриш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қолишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 33-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ.

37. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

### Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойихаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

- «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиршномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллар фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

### XII. КАФОЛАТЛАР

45. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни, ўз ҳисобидан бепул бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

49. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ушжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Қурилиш ишлари олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларини бузилиши;

қурилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, Пудратчидан ўз ихтиёрига кўра қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.



56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

57. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

58. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қбул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

59. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларидан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

60. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

61. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

62. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

63. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатсиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

64. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улур ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

65. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

66. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

67. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

68. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

69. Мазкур шартнома 2023 йил 31 декабр гача амал қилади.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Бажариш жадвали.

2-илова - Молиялаштириш жадвали.

## ХVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси

Манзил: Фаргона ш. Аэропорт кўчаси 1-уй

Тел./факс: +99873-249-50-53

ШФХ: 304521860304127045129118001

ИНН: 304 899 935

Фаргона вилояти Ҳазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МҒО: 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

### “ПУДРАТЧИ”

Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Қўштепа туман Лангар қишлоғи

Тел./факс: +99873-425-17-52

Мх/р: 470010860302067045193118001

ИНН: 200 178 294

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент ш бош бошқарма

Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МҒО: 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Буюртмачи директори

М.У.



Ш.Пўлатов

Буюртмачи кассари

М.У.



Ш.Умурзақов

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Буюртмачи юристи

Р.Алимов

Фаргона вилояти Маргилон шаҳар "Наврӯз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар саннат  
тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини куриш объектининг \_\_\_\_\_ сонли  
шартномасига 1-илова

Фаргона вилояти Маргилон шаҳар "Наврӯз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар саннат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини куриш объектининг

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Амалга оширилгадиган ишлар	Йиллар	Умумий қиймати	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Милла суи
1	2		4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Курилиш монтаж ишлари	2022 йил	1 325 745,387								1 325 745,387					
	Х А М М А С И		1 325 745,387								1 325 745,387					

*Handwritten signature in blue ink*



**Молияпаштириш жадвали**  
 Республика бюджети хисобидан

**Фаргона вилояти Маргилон шаҳар "Наврӯз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар sanoat тадбиркорлик зонасида қириш йўллари ни қуриш объектнинг**

Ушловия	2022 год												Всего за 2022год	2023 год	Всего по объекту		
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь					
1 % аванс от стоимости работ по договору								198,862							198,862		198,862
2 Текущее финансирование выполненных работ с учетом пропорционального удержания выделенного аванса								1060,596							1060,596		1060,596
ИТОГО								1259,458							1259,458		1259,458
3 Оставшиеся 5% по истечении гарантийного срока																66,287	66,287
<b>ВСЕГО ПО ОБЪЕКТУ</b>								1259,458							1259,458	66,287	1325,745

МИЛ. СУМ.



ЗАКАЗЧИ:

*Handwritten signature in blue ink.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВА ЙўЛ ҚУРЎИШ ВЎЗИРАТЛИГИ

08.08 2022 йил

Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан 26.07.2022 йил кунги лот № 22110012123767 билан энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 333

Қатнашдилар:	Ш.Пўлатов	- Корхона директори
	Х.Тангатаров	- Бош муҳандис
	Ё.Маманазарова	- Бош ҳисобчи
	Р.Алимов	- Юрист консулт
	У.Эгамбердиев	- ИЧБ бўлим бошлик
	Ш.Солиев	- Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлим бошлик
	С.Холходжаев	- Лойиха таъминоти бўлим бошлик

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас
2. Янгиобод капитал қурилиш инвест МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш маҳсуе ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш Комиссия аъзоси Ш.Солиев зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Х.Тангатаров

Ё.Маманазарова

Р.Алимов

У.Эгамбердиев

Ш.Солиев

С.Холходжаев

М.Абдулмаматова

Йиғилиш қотиби:

АО "Страховая компания КАФОЛАТ"



Настоящий Полис разработан на условиях Правил страхования по классу 8,9,13 депонированных Государственной инспекцией по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан 10 февраля 2003 года.

**ПОЛИС  
обязательного страхования строительно-монтажных рисков**

АО "Страховая компания КАФОЛАТ" на основании ПКМ РУз № 532 от 20.12.99г. «Об обязательном страховании строительных рисков при возведении объектов за счет государственных средств и кредитов под правительственную гарантию», «Положения о порядке кредитования коммерческими банками подрядных организаций при осуществлении строительства объектов «под ключ» за счет централизованных источников финансирования» от 19 мая 2004г. (п.п. 3,7) и Договора обязательного страхования строительно-монтажных рисков №12-11/2022/2/-23 от «08» август 2022 г. предоставляет страховую защиту имущественных интересов: Фаргона вилояти Маргилон шаҳар "Наврўз" МФЙда ташкил этилган Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида кириш йўлларини куриш

**Страхователь:** «Кўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси»

**Общая страховая сумма:** 1 007 566 494 (Один миллиард семь миллионов пятьсот шестьдесят шесть тысяч четыреста девяносто четыре) сум 00 тийин в том числе по:

- а) материальному ущербу – 906 809 845 сум 00 тийин
- б) ответственность перед третьими лицами – 100 756 649 сум 00 тийин

**Страховая премия:** 1 810 859 (Один миллион восемьсот десять тысяч восемьсот пятьдесят девять) сум 00 тийин

**Период страхования:** Обязательства АО "Страховая компания КАФОЛАТ" вступают в силу с момента поступления страховой премии и действуют по 24.00 часов «31» декабр 2022 г.

От имени Страховщика:

Азимов Л.У.

  
(подпись)

м.п.



Дата выдачи: «08» август 2022 г.

0448658